

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХКАМБОЕВ КОМИЛ АБДУЛҲАКОВИЧ

КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ
ТАҲЛИЛИ ВА РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Economics Sciences**

Махкамбоев Комил Абдулхакович

Корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлиги таҳлили ва
рейтингини баҳолашни такомиллаштириш 3

Махкамбоев Комил Абдулхакович

Совершенствование анализа эффективности и рейтинговой оценки
экономического потенциала предприятий 29

Makhkamboev Komil Abdulkhakovich

Improving efficiency analysis and rating assessments of the economic
potential of enterprises..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХКАМБОЕВ КОМИЛ АБДУЛХАКОВИЧ

КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ
ТАҲЛИЛИ ВА РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PHD/Iqt1241 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Пардаев Мамаюнус Каршибюевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ризаев Нурбек Кадиорович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент Бабахалов Норбута Эшназарович иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Ётақчи ташкилот:	Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/10.12.2019.116.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 30 ОКТЯБРЬ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 1091 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил « 15 » 10 куни тарқатилди.

(2021 йил « 15 » 10 даги 34 рақамли реестр баённомаси).



И.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердиоров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К. Художкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланиши унинг ҳар бир бўғинида бевосита корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ. Шу туфайли, дунё миқёсида иқтисодиётнинг микродаражасида, яъни корхона ва ташкилотларда иқтисодий салоҳият самарадорлиги ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунга биргина мисол, «ҳозирги кунда халқаро тажрибада бухгалтерия соҳаси мутахассислари иш вақтининг 90 %ини бошқарув ҳисоби ва таҳлилини ташкил этишга сарфлайдилар»¹. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодий жараёнларни бошқаришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун эса, ҳар бир йўналиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳолат айти пайтда корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва рейтингини баҳолашнинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида рақобат мавжудлиги, маълум даражада корхоналар ўртасида тижорат сирининг ҳам амал қилишини тақозо этади. Шу туфайли, кўрсаткичларнинг таҳлили икки йўналишда олиб борилади. Биринчидан, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий таҳлил бўлса, иккинчидан, ички фойдаланувчиларга мўлжалланган бошқарув таҳлилидан иборат. Молиявий ва бошқарув таҳлилининг муҳим объектларидан бири корхоналар иқтисодий салоҳиятидир. Ҳозирги кунда жаҳонда корхоналар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг оптимал йўллари излаш, уларнинг рейтингини аниқлашда замонавий усулларни қўллаш, корхоналарни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу туфайли, бугунги кунда мазкур салоҳият самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалаларига муҳим эътибор қаратиш объектив заруратга айланиб, бу бўйича янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда бугунги кунда мавжуд иқтисодий салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланиш объектив заруратга айланди, чунки мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш масаласи устувор вазифалардан биридир. «Мазкур ҳолат халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар билан тизимли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, масъул вазирлик ва идораларда баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва бошқа давлатларнинг ижобий тажрибасини ўз ичига олган тегишли маълумотлар базасини, ходимларда эса халқаро рейтинглар методологиясини қўллаш бўйича дунёқарашни шакллантириш

¹ Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2018. – 5 б.

имконини бермаяпти»². Мазкур масаланинг ўта муҳимлигига қарамай, корхоналар иқтисодий салоҳияти ва улар асосида рейтинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш методологиясини такомиллаштириш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва мос равишда иқтисодий адабиётларда ҳам кам ёритилган. Айниқса, корхоналар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уларнинг рейтингини аниқлаш масаласи амалиётда деярли қўлланилмаётганлиги бу борада илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этмоқда.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 7 мартдаги ПФ-5687-сон «Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технология ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти самарадорлиги, унинг таркибий тузилиши, уларнинг айрим турларини таҳлил қилиш бўйича хорижлик олимлардан, М.И.Баканов, А.Д.Шеремет, Л.Е.Басовский, Л.Бернстайн, С.С.Гаврилова, С.В.Галицкая, В.Д.Герасимова, А.И.Гинзбург, Н.В.Войтоловский, В.П.Палий, А.П.Калинина, И.И.Мазурова, Э.И.Крылов, В.М.Власова, А.А.Гладкий, И.В.Журавкова, Н.П.Любушин, А.А.Максютов, Э.А.Маркарьян, Г.П.Герасименко, С.Э.Маркарьян, Г.В.Савицкая, В.З.Чиркова,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Е.М.Конавалова, В.Б.Малицкая³ сингари олимлар тадқиқот олиб борганлар ҳамда турли ўқув-услугий ва илмий асарлар яратганлар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан И.Абдукаримов, Э.Акрамов, А.Вахобов, А.Иброҳимов, Д.Қудбиев, Н.Ишанкулов, Х.Ахмаджонов, М.Рахимов, И.Волжин, В.Эргашбаев, А.Иброҳимов, Е.Ергешев, Б.Исроилов, М.Пардаев, Ж.Исроилов, А.Халикулов, М.Пулатов, Р.Исаев, Б.Хасанов, М.Тулаходжаева, А.Шоалимов, Ё.Абдуллаев ва Н.Қаландарова⁴ ҳам мазкур масаланинг баъзи жиҳатларини ёритганлар.

Юқорида қайд этилган олимларнинг асарларида иқтисодий таҳлил назарияси, молиявий ва бошқарув таҳлил методологияси умумий тарзда ёритилган. Аммо корхонанинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва улар асосида корхона рейтингини аниқлаш усуллари деярли ёритилмаган. Айрим олимлар мазкур масаланинг баъзи жиҳатларини умумий тарзда

³ Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. – М.: Финансы статистика, 1981, 1987, 1993, 1994, 1996, 2000. – 416 с.; Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2002 – 333 с.; Басовский Л.Е. Теория экономического анализа: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001 – 222 с.; Бернштейн Л. Анализ финансовой отчетности. Теория и практика. Пер. с англ. – М.: Финансы и статистика, 1996.; Гаврилова С.С. Экономический анализ. – М.: Эксмо, 2006. – 144 с.; Галицкая С.В. Финансовый менеджмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий: учебное пособие. – М.: Эксмо, 2008. – 652 с.; Герасимова В.Д. Анализ и диагностика производственной деятельности предприятий (теория, методика, ситуации, задания): учебное пособие 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2008. – 256 с.; Гинзбург А.И. Экономический анализ. Учебник. 2-е изд. перераб и доп. – СПб.: Питер, 2008. – 528 с.; Гладкий А.А. Бух учет и финансы для руководителей и менеджеров. – СПб.: Питер, 2007. – 240 с.; Комплексный экономический анализ предприятия. / Под ред. Н.В.Войтоловского, А.П.Калининой, И.И.Мазуровой.. – СПб.: Питер, 2009. – 576 с.; Любушин Н.П. Анализ финансового состояния организации: учебное пособие. – М.: Эксмо, 2007. – 256 с.; Максюттов А.А. Экономический анализ. – М.: Единство, 2005. – 544 б.; Маркарьян Э.А. Финансовый анализ. Учеб. пособие / Э.А. Маркарьян, Г.П.Герасименко, С.Э. Маркарьян. – 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 с.; Палий В.Ф. Новая бухгалтерская отчетность: содержание методика анализа. – М.: Журнал “Контроллинг”, 1991. – 64 с.; Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учеб. пособие. – Минск: ООО “Новое знание”, 2000. – 688 с.; Черняк В.З. Финансовый анализ: учебник. – 2-е изд. – М.: Издательство “Экзамен”, 2007. – 414 с.; Чиркова М.Б., Коновалова Е.М., Малицкая В.Б. Анализ хозяйственной деятельности организации: сборник заданий и тестов: учеб. пособие. – М.: Эксмо, 2008. – 160 с.

⁴ Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисобни ўқиш ва таҳлил қилиш. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.; Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. 2-е изд. – Тамбов: Издательский дом ТГУ, 2008. – 667 б.; Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003. – 224 б.; Вахобов А., Иброҳимов А., Ишанкулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2005. – 480 б.; Волжин И.О., Эргашбоев В.П. Молиявий таҳлил. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998., Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: Молия, 2000. – 256 б.; Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ, 2004. – 160 б.; Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. – Самарқанд; Зарафшон, 2001. – 272 б.; Пардаев М.К., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. – 64 б.; Пардаев М.К. ва бошқалар. Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003., Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999. – 356 б.; Пардаев М.К., Хасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Пулатов М.Э., Эшбоев Ў.Т., Хонликулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2012. – 400 б.; Пардаев М.К., Исроилов Ж.И., Пардаев О.М., Сафаров Ф.А. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. – Самарқанд, СамИСИ, 2013. – 196 б.; Исаев Р.А., Хасанов Б.И., Аликулов А.И. Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – 220 б.; Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. – Т.: Мехнат, 2001., Рахимов М. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2013. – 392 б.; Тулахўжаева М.М. Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш. – Т., 1996., Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Т.: ТДИУ, 2004. – 91 б.; Қаландарова Н.Н. Корхоналар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолашда таҳлил методикасини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2019.

ўрганиш билан чекланганлар. Айнан корхонанинг иқтисодий салоҳияти самарадорлиги ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили билан М.Пардаев, И.Абдукаримов, Б.Исроилов⁵ ва М.Рахимов⁶ шуғулланганлар. Эътироф этиш керакки, мамлакатимизда ҳозирги шаклланган иқтисодиёт бутунлай янги йўналишда олиб борилмоқда. Бу иқтисодиётнинг аввалги ҳолатига нисбатан ҳам, хорижий мамлакатлардаги ўхшаш соҳаларига нисбатан ҳам ўзига хос хусусиятлари жуда кўп. Айнан шу ҳолат мазкур соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш заруратини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-6-сон «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётининг концептуал йўналиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлиги таҳлили ва рейтингини баҳолашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корхоналар иқтисодий салоҳияти тушунчасининг назарий масалалари бўйича турли олимларнинг фикрлари ва уларнинг таркибий тузилишини тадқиқ қилиш, иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари бўйича рейтинг ва уларни аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакат иқтисодиётида автомобиль транспорти соҳасининг ўрни ва ушбу корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи ҳамда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

автотранспорт корхоналарининг иқтисодий салоҳияти таркибидаги меҳнат ресурслари ва улар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилишда рейтинг кўрсаткичларини ҳисоблаш йўллари ишлаб чиқиш;

автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти кўрсаткичлар тизими бўйича рейтинг кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш.

⁵ Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: “Меҳнат” нашриёти, 2004.- 486 б.; Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Пулатов М.Э., Усманова Д.К. Экономический анализ хозяйственной деятельности предприятий. Учебное пособие. – Т.: Изд-во «Фан ва технология», 2019.- 768 с.; Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2002. – 588 б.

⁶ Рахимов М. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2013.-392 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида автотранспорт соҳасида хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва рейтингини баҳолашни такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида индукция ва дедукция, анализ ва синтез, миқдор ва сифат, сабаб ва оқибат категорияларидан, статистик ва иқтисодий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, мантиқий таҳлил, монографик кузатиш, қиёсий таҳлил, социологик сўровнома ўтказиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

автотранспорт корхоналарида ташиш жараёнида сарфланадиган самарадорлик кўрсаткичлари таркибига «энергия (ёқилғи) самарадорлиги», «материаллар самарадорлиги», «меҳнат харажатлари самарадорлиги» ва «битта автобуснинг бир вақт бирлигида ташилган йўловчилар ҳажми» кўрсаткичларини киритиш таклиф этилган;

автомобиль транспорти корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ҳудуд аҳолиси ва йўловчи ташишда банд ходимлар сони бўйича аниқлаш имконини берадиган самарадорлик кўрсаткичлари («йўловчилар билан аҳолини қамраб олиш даражаси», «йўловчи оборотининг ҳудуд аҳолиси билан таъминланганлик даражаси», «йўловчи ташиш соҳасида банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлиги» ва «ҳар бир автобуснинг йўловчи ташиш ходимлари билан таъминланганлик даражаси») такомиллаштирилган;

рейтинг кўрсаткичларининг вазнини аниқлаш мақсадида автомобиль транспорти корхоналари иқтисодий самарадорлигининг ўртача рейтингини корхонанинг ҳар бир кўрсаткич бўйича рейтингдаги ўринларни жамлаш асосида аниқлаш таклиф этилган;

автомобиль транспорти корхоналарининг иқтисодий салоҳият рейтингини «йўловчи ташувчи автомобиллар сони», «йўловчи ташувчи автомобиллар ўртача қуввати» ва «ҳайдовчилар сони» кўрсаткичларини моҳиятлилиқ коэффициенти асосида аниқлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида «корхоналар рейтингини», «автотранспорт корхоналарининг иқтисодий салоҳияти», «транспорт хизмати», «йўловчи ташиш хизматлари», «йўловчи ташиш транспорти хизматлари самарадорлиги» тушунчаларининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган;

барча хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни бўйича олтига гуруҳдан иборат таснифи ва уларнинг ҳар бирига кирувчи хизматлар турларига аниқлик киритилган ҳамда унда автомобиль транспорти томонидан кўрсатилувчи хизматларнинг ўрни асосланган;

автомобиль транспорти корхоналарида меҳнат ресурслари ҳаракатчанлиги ва меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодалаш учун

саккизта кўрсаткичдан фойдаланиш лозимлиги асосланган, бундай кўрсаткичлар бўйича рейтингни аниқлаш йўллари ишлаб чиқилган;

юк ва йўловчи ташиш хизматлари кўрсатувчи автомобиль транспорти соҳаси ўзгаришининг қатор йиллар маълумотлари асосида мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнига аниқлик киритилган, соҳада фаолият юритувчи ходимларнинг ҳаракатчанлиги ва меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ рейтингини аниқлашда қўлланилувчи кўрсаткичлар тизими орқали ҳисоблаш йўллари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Корхоналар фаолиятини ўрганишда қўлланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг автотранспорт корхоналарининг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу йўналиш бўйича соҳа корхоналарининг рейтингини аниқлаш масалаларини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг автомобиль транспорти корхоналарининг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг рейтингини аниқлаш, шу орқали соҳани ривожлантиришга қаратилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида соҳага оид «Автотранспорт корхоналари иқтисодиёти», «Автотранспорт корхоналари иқтисодий таҳлили», «Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва рейтингини баҳолашни такомиллаштириш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

автотранспорт корхоналарида ташиш жараёнида сарфланадиган самарадорлик кўрсаткичлари таркибига «энергия (ёқилғи) самарадорлиги», «материаллар самарадорлиги», «меҳнат харажатлари самарадорлиги» ва «битта автобуснинг бир вақт бирлигида ташиган йўловчилари ҳажми» кўрсаткичларини киритиш бўйича таклифи «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган (Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 5 апрелдаги 2-16/85-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши натижасида автомобиль транспорти корхоналари фаолияти самарадорлиги, шу жумладан, уларнинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва шу асосда иқтисодий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилган;

автомобиль транспорти корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ҳудуд аҳолиси ва йўловчи ташишда банд бўлган ходимлар сони бўйича аниқлаш имконини берадиган самарадорлик кўрсаткичлари такомиллаштирилган (Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 5 апрелдаги 2-16/85-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши, автомобиль транспорти корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш, ҳар бир омилнинг таъсирини реал баҳолаш ва улар асосида таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилган;

автомобиль транспорти корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлиги рейтингини корхонанинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича ўринларни жамлаш асосида аниқлаш бўйича таклифи «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган (Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 5 апрелдаги 2-16/85-сон маълумотномаси). Автомобиль транспорти корхоналари иқтисодий салоҳиятининг натижадорлиги, даромадлиги ва рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичлар бўйича рейтинг алоҳида субъектларда аниқланиб, уларнинг эгаллаган ўринларини қиёсий таҳлил қилиш имконияти яратилган;

автомобиль транспорти корхоналарининг иқтисодий салоҳият рейтингини «йўловчи ташувчи автомобиллар сони», «йўловчи ташувчи автомобиллар ўртача қуввати» ва «ҳайдовчилар сони» кўрсаткичларини моҳиятлилик коэффициенти асосида аниқлаш бўйича таклифи «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган (Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 5 апрелдаги 2-16/85-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида бугунги корхоналар ўртасидаги кескин рақобат шароитида ҳар бир корхонанинг иқтисодий салоҳияти бўйича рейтингини аниқлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, унда қўлланилган усуллар, тадқиқотнинг апробацияси, эълон қилиниши ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва рейтингини баҳолашнинг назарий масалалари»**га бағишланган. Унда корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилишни ташкиллаштириш ва белгиланган мақсадга эришишнинг назарий масалалари, корхоналар иқтисодий салоҳияти таркиби ва уни баҳолашнинг услубий асослари, корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва рейтингини баҳолаш имкониятлари ўрганилган. Мазкур боб бўйича алоҳида хулосалар ҳам келтирилган.

Тадқиқотлар натижасида автомобиль транспорти корхоналари иқтисодий салоҳияти рейтингини «йўловчи ташувчи автомобиллар сони», «йўловчи ташувчи автомобилларнинг ўртача қуввати» ва «ҳайдовчилар сони» кўрсаткичларининг моҳиятлилик коэффициенти асосида аниқлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган. Бунга объектив зарурат юзага келди. Зеро, ҳозирги кунда дунё миқёсида Ўзбекистон, ҳар бир ҳудуд, хўжалик юритувчи субъект ва ҳар бир ходимнинг рейтингини аниқлаш муҳим масалалардан бирига айланди.

Мазкур масалага Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. 2019 йил 7 мартда мамлакат раҳбарининг «Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ халқаро рейтинг ва индексларни комплекс ўрганиш ва такомиллаштириш борасида ижро самарадорлигини ошириш ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилаётган тегишли чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича комиссия тузилди. Чунки давлатларнинг умумий рейтинги, уларнинг алоҳида йўналишлари бўйича баҳоси, корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи турли субъектлар рейтинглари ҳам аниқланмоқда. Бугунги кунда уларни эътиборга олиб, иқтисодий таҳлилнинг таркибига корхоналар рейтингини баҳолаш масаласини ҳам киритиш лозим.

Муаллифнинг фикрича, масаланинг моҳиятини тўлиқ англаш учун рейтинг сўзининг маъносига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Шу туфайли диссертацияда мазкур масалага тарихий жиҳатдан ёндашган ҳолда турли муаллифлар томонидан унинг мазмуни, ютуқ ва камчиликлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинди ва қуйидаги такомиллашган таъриф ишлаб чиқилди.

Корхоналар рейтинги деганда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижаларининг муҳимлиги ёки аҳамиятлилигини рақамлар орқали ифодаловчи кўрсаткичларнинг тизимлаштирилган ҳолати тушунилади. Мазкур таърифни қуйидагича изоҳлаш мумкин:


1. Бу ерда гап корхоналар (фирма, компания, ташкилот, муассаса каби) рейтингни ҳақида борганлиги учун умумий қилиб хўжалик юритувчи субъектлар олиними белгиланди.

2. Рейтинг учун фаолият натижаларининг олиними ҳам масалага ойдинлик киритади. Чунки фаолият натижаси бўйича баҳоланса, уни жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинади.

3. Масаланинг муҳимлиги ёки аҳамиятлилигини сон билан ифодаловчи кўрсаткичлар тизими олиними ҳам муҳимдир. Чунки кўрсаткичлар бирорта натижани билдирса, унга берилган аниқ сонлар даражасини белгилайди. Шу туфайли бундай ҳолатлар ҳам таърифда эътиборга олинган.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, корхоналар рейтингини битта кўрсаткич билан баҳолаш мумкин эмас. Унинг бир неча йўналишлари мавжуд.

Тадқиқотлар кўрсатдики, корхоналар, ҳудудлар, давлатлар ва уларнинг ҳам ичида алоҳида йўналишлар бўйича ҳам рейтинг аниқланади. Ҳар бир даражада рейтингни аниқлаш учун кўрсаткичлардан фойдаланилади. Буларнинг ўзаро боғлиқлигини бевосита уларнинг бир-бирини тўлдириши билан ифодаланувчи шаклланиш жараёнида кузатиш мумкин (1-расм).



1-расм. Корхоналарда рейтинг даражасининг шаклланиш жараёни⁷

Расмдан кўриниб турибдики, корхоналар рейтингини шаклланиши учун албатта рейтингга киритилган субъектларда содир бўлган жараёнлар натижаси зарур ва бундай жараёнлар аниқ рақамларда ифодаланган кўрсаткичларда ҳам ўз тасдиғини топиши керак.

Корхоналарнинг умумий рейтингини аниқлаш учун мазкур субъект фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бундай рейтинг кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин (1-жадвал).

Мазкур жадвалда корхоналар фаолиятини ифодаловчи умумий кўрсаткичларнинг бир қисми келтирилган. Булар бўйича ҳам уларни жамлаб, корхоналар рейтингини аниқлаш мумкин. Бунинг учун кўрсаткичларни бир хил ўлчам ва бир хил йўналишга келтириб олиш мақсадга мувофиқ. Рейтингнинг ҳаққоний бўлиши ва реал воқеликни ифодалаш учун кўрсаткичларнинг моҳиятлилик даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки корхонанинг фаолияти натижасига меҳнат ресурслари номоддий активларга нисбатан кучлироқ таъсир қилади. Шу туфайли ҳар бир кўрсаткичнинг моҳиятлилик коэффициенти ҳам аниқланади.

Кўриниб турибдики, корхоналар рейтингини ҳар бир йўналиш бўйича ҳам аниқлаш мумкин экан.

⁷ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Корхоналарнинг умумий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими⁸

№	Фаолиятнинг турли бўлимлари	Шу фаолиятни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими
1.	Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми
		Сотилган маҳсулот ҳажми
		Сотилган маҳсулотнинг таркибий тузилиши
		Сотилган маҳсулотнинг сифатлилик даражаси
2.	Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар	Даромадлар
		Харажатлар
		Фойда
		Рентабеллик
3.	Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннари	Моддий харажатлар
		Меҳнат харажатлари
		Бошқарув билан боғлиқ харажатлар
4.	Асосий воситалар самарадорлиги	Асосий воситалар натижавийлиги
		Асосий воситалар даромадлилиги
		Асосий воситалар рентабеллиги
		Асосий воситалар билан таъминланганлик
5.	Айланма маблағлар самарадорлиги	Айланма маблағлар натижавийлиги
		Айланма маблағлар даромадлилиги
		Айланма маблағлар рентабеллиги
		Айланма маблағларнинг айланувчанлик тезлиги
		Айланма маблағлар билан таъминланганлик
6.	Номоддий активлар самарадорлиги	Номоддий активлар натижавийлиги
		Номоддий активлар даромадлилиги
		Номоддий активлар рентабеллиги
		Номоддий активлар билан таъминланганлик
7.	Инвестиция самарадорлиги	Ички инвестиция самарадорлиги
		Ташқи инвестиция самарадорлиги
		Умумий инвестиция самарадорлиги

Бунда муҳим йўналишлардан бири корхоналар иқтисодий салоҳияти бўйича рейтингини аниқлашдан иборат. Бунинг учун энг аввало, мазкур категорияни ифодаловчи кўрсаткичлар алоҳида тармоқ ва йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Тадқиқ этилаётган автотранспорт корхоналарида иқтисодий салоҳият рейтингини аниқлаш масаласи иқтисодий адабиётларда деярли ўрганилмаган.

Тадқиқот жараёнида автотранспорт корхоналарининг иқтисодий салоҳият бўйича рейтингини аниқлаш учун, аввало, унинг таърифи ишлаб чиқилди. *Автотранспорт корхоналарининг иқтисодий салоҳияти деганда, мазкур корхоналарнинг юк ва йўловчи ташишини самарали амалга ошириш учун мавжуд қуввати, имкониятлари, қобилияти, уларда мавжуд воситалардан мақсадга мувофиқ фойдалана олувчи иқтидор соҳиблари мавжудлиги билан боғлиқ элементлар мажмуи тушунилади.*

⁸Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу таъриф назарий жихатдан қуйидагича изоҳланади. Биринчидан, автотранспорт корхоналарининг иқтисодий салоҳияти бевосита мазкур корхонанинг функционал вазифаси, яъни юк ва йўловчи ташишни самарали амалга ошириш лозимлиги эътиборга олинади. Иккинчидан, бундай функционал вазифани амалга ошириш учун мавжуд қуввати ва имкониятлари унинг моддий-техник базаси талаб даражасида эканлиги ва таъминотининг ҳам етарлилиги билан ифодаланади. Учинчидан, соҳанинг бу қобилиятидан самарали фойдаланиш учун уларда қўлланилувчи воситалар ҳам уларга муносиб бўлиши лозим. Тўртинчидан, барча мавжуд имконият ва воситалардан мақсадга мувофиқ фойдалана олувчи иқтидор соҳиблари, яъни етарли малакага эга кадрлар ҳам мавжуд бўлиши керак. Уларнинг мажмуи айнан автотранспорт корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ташкил қилади.

Тадқиқот натижасида автомобиль транспорти корхоналари иқтисодий салоҳиятининг таркибий қисми асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат ресурсларидан иборатлиги муаллиф томонидан ўрганиб чиқилди.

Корхоналарнинг иқтисодий салоҳият бўйича рейтингини аниқлаш учун унинг таркибий тузилишини аниқлаш лозим. Ҳозирги кунда ушбу масала бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари мисолида бир неча тавсиялар мавжуд⁹. Аммо автомобиль транспорти корхоналари ўзига хос хусусиятларга эга. Буларни эътиборга олиб, ҳар бир корхонанинг умумий ўртачага нисбатан қандай ҳолатда эканлигига баҳо берилади ва шу йўл билан автотранспорт корхоналар иқтисодий салоҳияти бўйича ҳар бирининг рейтингини аниқланади ва қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$I_{cr} = \sum_{i=1}^n \left(\frac{a_{ij}}{a_{urij}} \right) * K_{mij} + \dots + \sum_{i=1}^n \left(\frac{a_{nj}}{a_{urnj}} \right) * K_{mnj} ;$$

бунда: I_{cr} – иқтисодий салоҳият бўйича бир корхона рейтингини;

a_{ij} – i -корхонанинг j -кўрсаткичи бўйича миқдори;

a_{urij} – i -корхонанинг j -кўрсаткичи бўйича ўртача миқдори;

K_{mij} – i -корхонанинг j -кўрсаткичи бўйича моҳиятлилик коэффициенти;

a_{nj} – n -корхонанинг j -кўрсаткичи бўйича миқдори;

a_{urnj} – n -корхонанинг j -кўрсаткичи бўйича ўртача миқдори;

K_{mnj} – n -корхонанинг j -кўрсаткичи бўйича моҳиятлилик коэффициенти;

\sum – жамлаш (қўшиш) белгиси, аддитив моделида қўлланилади.

i – i -корхоналар тартиб сони;

n – корхоналар умумий сони;

j – j -кўрсаткичнинг тартиб рақами.

Мазкур формулага киритилган кўрсаткичларнинг барчаси ҳисоботларда ўз ифодасини топган. Аммо уларнинг моҳиятлилик коэффициентини социологик тадқиқотлар натижасида аниқлашга тўғри келади. Тадқиқотлар натижасида

⁹Pardayev M.K., Abdulkarimov I.T., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. – T.: “Mehat” nashriyoti, 2004. – 104-138 б.; Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. Муаллифлар жамоаси. Профессор М.Қ.Пардаевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2016. – 226-231 б.; Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Пулатов М.Э., Эшбоев Ў.Т., Холиқулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2012.- 400 б.

йўловчи ташувчи автомобиллар сонининг моҳиятлилик коэффиценти – 0,30 га, йўловчи ташувчи автомобилларнинг ўртача қуввати – 0,55 га ва ҳайдовчилар сони бўйича моҳиятлилик коэффиценти – 0,15 га тенглиги ҳисоблаб чиқилди. Бундай кўрсаткичлардан фойдаланиб, бешта субъектнинг рейтинги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Йўловчи ташувчи автотранспорт корхоналарининг қуввати бўйича иқтисодий салоҳиятининг ҳисоб-китоби¹⁰

№	Автотранспорт корхоналари номи	Йўловчи ташувчи автомобиллар сони бўйича рейтинг	Йўловчи ташувчи автомобилларнинг ўртача қуввати бўйича рейтинг	Ҳайдовчилар сони бўйича рейтинг	Автотранспорт корхоналарининг умумий рейтинг	Рейтинг бўйича ўринлар
1.	Qizilqumsement	20,4	61,3	11,0	92,7	5
2.	3-автобус саройи	28,4	59,5	13,4	101,3	3
3.	Avtotransport energo	36,4	48,3	18,4	103,1	2
4.	Chirchiq avtobus	31,2	52,0	15,2	98,4	4
5.	Sarbon	33,7	57,6	17,0	108,3	1
	ЖАМИ	150,1	278,7	75,00	503,8	х
	Ўртача	30,02	55,74	15,00	100,76	х
	Моҳиятлилик коэффиценти	0,30	0,55	0,15	1,0	х

Жадвал маълумотларига кўра, автотранспорт корхоналарининг умумий рейтинги асосида ҳар бир корxonанинг ўрни аниқланди. Ҳисоб-китоблар асосида бешта корхона орасида 1-ўринни «Sarbon» МЧЖ корxonаси, иккинчи ўринни «Avtotransport energo» МЧЖ ва энг охириги 5-ўринни «Qizilqumsement» АЖ корxonаси эгаллаган. Бу усул ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаб, тегишли дастурлар асосида амалга оширилса, минглаб корхоналар рейтингини аниқлашга имкон беради.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг услубий асослари**» ўрганилган. Мазкур бобда корхоналар иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари, корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таркибида моддий ресурслар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари, корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таркибида меҳнат ресурсларининг ўрни, уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ёритилган.

Тадқиқот натижасида автомобиль транспорти корхоналарида йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи соҳанинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларни аниқлаш йўллари ишлаб чиқилди. Ўрганишлар натижасида автобусларда йўловчи ташиш самарадорлигини ифодалаш учун албатта кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деган

¹⁰Муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

хулосага келинди. Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни бўйича иккита гуруҳга ажратиш тавсия этилди:

1. Йўловчи ташиш билан боғлиқ самарадорликни ифодаловчи умумий кўрсаткичлар.

2. Йўловчи ташиш билан боғлиқ самарадорликни ифодаловчи соҳанинг ўзига хос кўрсаткичлари.

Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Автотранспорт корхоналарида йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари¹¹

№	Кўрсаткичлар	Аниқлаш формуласи	Мазмуни
1.	Йўловчи ташиш хизматлари соҳаси харажатлари рентабеллиги (Хар), %	$\text{Хар} = \frac{\text{Сф} * 100}{\text{Ха}}$ Сф – соф фойда суммаси; Ха – харажатлар суммаси.	100 сўм қилинган харажатга тўғри келувчи соф фойда
2.	Автомобилларнинг йўловчиларни ташиш самарадорлиги (Айс), киши	$\text{Айс} = \frac{\text{Йс}}{\text{Ас}}$ Йс – барча йўловчилар сони; Ас – автомобиллар сони.	Ташилган йўловчиларнинг бир автомобилга тўғри келувчи ўртача сони
3.	Автомобиль хизматлари самарадорлиги (Ахс), минг сўм	$\text{Ахс} = \frac{\text{Туш}}{\frac{\text{Ав}}{\text{км}}}$ Туш – сотилган хизмат ҳажми; Ав/км – босиб ўтилган масофа (километр)	Бир автомобиль/км.га тўғри келувчи ўртача тушум
4.	Автомобиль хизматлари кўрсатувчи ходимлар меҳнат унумдорлиги (Аму), минг сўм	$\text{Аму} = \frac{\text{Туш}}{\text{Хўс}}$ Хўс – ходимларнинг ўртача сони	Автомобиль хизмати кўрсатувчи бир ходимга тўғри келувчи тушум
5.	Автомобиль хизматлари кўрсатувчи субъектлар активларининг самарадорлиги (Аас), минг сўм	$\text{Аас} = \frac{\text{Туш}}{\text{Ак}}$ Ак – активларнинг ўртача қиймати	Бир сўм активлар қийматига тўғри келувчи ўртача тушум
6.	Автомобиль хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг асосий воситалари самарадорлиги (Авс), минг сўм.	$\text{Авс} = \frac{\text{Туш}}{\text{Ав}}$ Ав – асосий воситаларнинг ўртача қиймати	Бир сўм асосий воситалар қийматига тўғри келувчи ўртача тушум
7.	Автомобил хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг ўз маблағлари самарадорлиги (Аўс), минг сўм	$\text{Аўс} = \frac{\text{Туш}}{\text{Ўм}}$ Ўм – ўз маблағларининг ўртача қиймати	Бир сўм ўз маблағлари қийматига тўғри келувчи ўртача тушум

Автотранспорт корхоналарида йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи ўзига хос иккинчи гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

¹¹ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

ташиш жараёнида сарфланувчи энергия (ёқилғи) самарадорлиги, яъни 1 бирлик ёқилғига й/км.га;

ташиш жараёнида сарфланувчи материаллар самарадорлиги, яъни 1 бирлик фойдаланилаётган материалларга тўғри келувчи йўловчи/километр;

ташиш жараёнида фойдаланилаётган меҳнат харажатлари самарадорлиги, яъни меҳнат харажатлари суммасига тўғри келувчи йўловчи/километр;

битта автобус билан бир вақт бирлигида ташилган йўловчилар ҳажми.

Бундай кўрсаткичларни аниқлаш йўллари қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи ўзига хос кўрсаткичлар тизими¹²


№	Кўрсаткичлар номи	Аниқлаш формуласи	Мазмуни
1.	Ташиш жараёнида фойдаланилган материаллар самарадорлиги, яъни бир минг сўм материалга тўғри келувчи йўловчи/километр (Мас)	$M_{ac} = \frac{Y_{km}}{E_{ca}}$ Y _{км} – йўловчи/км.; E _{са} –ёқилғи харажатлари.	1 бирлик ёқилғи харажатларига тўғри келувчи йўловчи/км. миқдори
2.	Ташиш жараёнидаги энергия (ёқилғи) самарадорлиги, яъни 1 бирлик ёқилғига тўғри келувчи йўловчи/километр, (Эс)	$E_c = \frac{Y_{km}}{M_a}$ M _а – ташишда фойдаланилган материаллар ҳажми	1 бирлик ташишда фойдаланилган материалларга тўғри келувчи йўловчи/ гакм. миқдори
3.	Меҳнат харажатлари самарадорлиги, яъни бир бирлик меҳнат харажатларига тўғри келувчи йўловчи/километр (Мес)	$M_{ec} = \frac{Y_{km}}{M_{ex}}$ M _{ех} – 1 бирлик меҳнат харажатлари	1 бирлик меҳнат харажатлари тўғри келувчи йўловчи/ /км. миқдори
4.	Битта автобус билан бир вақт бирлигида ташилган йўловчилар сони (йўловчи/км), киши (АВс)	$A_{bc} = \frac{Y_{km}}{A_{b}}$ A _В – автобус/вақт бирлиги (автобус/ /қун, автобус/ ой, автобус/йил).	Бир автобус вақт бирлигида ташилган йўловчилар сони

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг айримлари транспорт корхоналари ҳисоботларида айнан муаллиф тавсия этган шаклда ифода этилмайди. Шунинг учун уларнинг ҳар бирини қандай ҳисоблаш йўллари диссертацияда батафсил ёритилган.

Тадқиқот жараёнида автомобиль транспорти корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ҳудуд аҳолиси ва йўловчи ташишда банд ходимлар сони бўйича аниқлаш имконини берувчи самарадорлик кўрсаткичлари комплекси ишлаб чиқилган. Унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни уч гуруҳга бўлиб, уларни аниқлаш ва таҳлил қилишда иқтисодий таҳлилнинг мультипликатив моделини қўллаб, индекс ва занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш таклиф қилинган.

¹²Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридаги омиллар иқтисодий мазмуни жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлиниши асосланди:



2-расм. Битта автобусга тўғри келувчи йўловчилар сони ўзгаришига таъсир этувчи омиллар гуруҳлари¹³

Юқорида келтирилган ҳар бир гуруҳ омил бир неча омилларни ўз ичига олади. Худуддаги йўловчи ташишга мўлжалланган маршрутга қўйилган автобуслар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар гуруҳларининг биринчи йўналиши шу худуд аҳоли сони ва йўловчи ташиш соҳасида банд ходимлар сони билан боғлиқ омиллардир. Мазкур соҳада самарадорликни ошириш имкониятларини топиш учун унга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олиш лозим.

Тадқиқотларга кўра, мазкур гуруҳ омилларга қуйидагилар киради:

йўловчилар билан аҳолини қамраб олиш даражаси, коэффицентда (w_1);

йўловчи оборотининг худуд аҳолиси билан таъминланганлик даражаси, йўловчи/км (w_2);

йўловчи ташиш соҳасида банд ходимлар меҳнат унумдорлиги, бир кишига тўғри келувчи йўловчи км (w_3);

ҳар бир автобуснинг йўловчи ташиш ходимлари билан таъминланганлик даражаси, киши (w_4). Улар ўртасидаги боғлиқликни ифодалаш учун қуйидаги формула тавсия этилади:

$$Y = w_1 * w_2 * w_3 * w_4 = \prod_{i=1}^n w_i; \quad (i=1, n)$$

бунда: Y – натижа кўрсаткичи, яъни ташиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич;

\prod – кўпайтирув белгиси.

i – омилларнинг тартиб рақами;

n – омилларнинг умумий сони.

Бундай омилларнинг натижа ўзгаришига таъсирини аниқлаш ва мавжуд ички имкониятларни топиш учун иқтисодий таҳлилнинг бир неча анъанавий усулларида фойдаланиш мумкин. Муаллиф бундай омиллар таъсирини аниқлаш учун индекс ва занжирли алмаштириш усулидан фойдаланишни тавсия этади. Бундай йўл билан омиллар таъсирини аниқлаш ва ички имкониятларни топиш учун масаланинг ечимини шу кўрсаткичнинг умумий

¹³ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

индексини аниқлашдан бошлаш мумкин. Бунинг учун Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш билан боғлиқ кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг 2014-2019 йиллардаги ҳисоб-китоби ўрганиб чиқилди (5-жадвал).

5-жадвал

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш билан боғлиқ кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларнинг 2014-2019 йиллар давомида ўзгаришини ҳисоблаш усули¹⁴

№	Кўрсаткичлар	2014 й.	2019 й.	Ўзгариш индекси	Натижа кўрсаткичига таъсири	
					Нисбий миқдорда	Мутлақ миқдорда
1.	Йўловчилар билан аҳолини камраб олиш даражаси, коэффициентда (w_1)	0,133	0,148	1,121	1,1163	19,4
2.	Йўловчи оборотининг ҳудуд аҳолиси билан таъминланганлик даражаси, йўловчи/км (w_2)	11,120	5,805	0,5221	0,5220	-88,99
3.	Йўловчи ташиш соҳасида банд ходимларнинг меҳнат унумдорлиги, бир кишига тўғри келувчи йўловчи км (w_3)	54,82	82,68	1,5082	1,5080	49,39
4.	Ҳар бир автобуснинг йўловчи ташиш ходимлари билан таъминланганлик даражаси, киши (w_4)	2,064	2,109	102,2	1,0204	3
5.	Йўловчиларни ташувчи автобуслар самарадорлиги, яъни битта автобусга тўғри келувчи йўловчилар сони, киши	166,8	149,6	89,7	0,8969	-17,2

Мазкур жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, йўловчиларни ташувчи автобуслар самарадорлиги, яъни битта автобусга тўғри келувчи йўловчилар сони ҳисобот йилида (2019 йил) асос йилига (2014 йил) нисбатан 17,2 кишига (149,6 – 166,8) камайган. Уларнинг индекси 0,8969 ни ташкил этмоқда. Бу қуйидагича аниқланди:

$$I_y = \frac{(w_{1x} * w_{2x} * w_{3x} * w_{4x})}{(w_{1p} * w_{2p} * w_{3p} * w_{4p})} = \frac{0,148 * 5,805 * 82,68 * 2,109}{0,133 * 11,120 * 54,82 * 2,064} = \frac{149,6}{166,8} = 0,8969$$

Бунда: x – омилларнинг ҳақиқий миқдорини ифодалайди;

p – омилларнинг режадаги ёки асос йилидаги миқдорини ифодалайди.

Индекс усулининг афзалликларидан бири шундаки, бир вақтнинг ўзида натижа ўзгаришига ҳар бир омил таъсирининг ҳам нисбий, ҳам мутлақ фарқини аниқлаш мумкин

$$\Delta y = (w_{1x} * w_{2x} * w_{3x} * w_{4x}) - (w_{1p} * w_{2p} * w_{3p} * w_{4p}) = \prod_{i=1}^n w_{ix} - \prod_{i=1}^n w_{ip} = \\ = (0,148 * 5,805 * 82,68 * 2,109) - (0,133 * 11,120 * 54,82 * 2,064) = 149,6 - 166,8 = -17,2;$$

